

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОРИЕВ МИРЗОХИД РУСТАМЖОНОВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ АДРЛАРИДА
СУҒОРМАСДАН БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ
ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Қориев Мирзохид Рустамжонович

Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида суғормасдан боғ ва
токзорлар ташкил этиш имкониятларини баҳолаш.....3

Кориев Мирзохид Рустамжонович

Оценка возможности разведения садов и виноградников на адырах
северо-восточной части Наманганской области без орошения.....21

Qoriyev Mirzohid Rustamjonovich

Assessment of the possibility of cultivating gardens and vineyards without
irrigation on the adyrs of the north-eastern part of the Namangan province.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОРИЕВ МИРЗОХИД РУСТАМЖОНОВИЧ

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ АДирЛАРИДА
СУҒОРМАСДАН БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ
ИМКОНияТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда чучук сув ресурслари тақчиллиги глобал миқёсда кечаётган иқлим исиши шароитида асосий эътибор қаратилиши зарур бўлган муаммолардан бирига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 2020 йилдаги сувни ривожлантириш бўйича ҳисоботида қайд этилганидек, «... сувни бошқариш тизимини такомиллаштириш, атмосфера ёғинларини тўплаш ҳамда мульчалаш каби сувтежамкор агротехнологияларни қўллаш иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича бажариладиган асосий чора-тадбирлар дастурига киради»¹. Бу ҳолатни инобатга олиб, дунё миқёсида мавжуд сув ресурсларини тежаш ва атмосфера ёғинларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни бажариш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда сув ресурсларини тежаш билан боғлиқ тадқиқотларга, айниқса, сувни кам талаб этувчи экинлар майдонини кенгайтириш, сувтежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш, атмосфера ёғинларини тўплаш орқали тупроқ намлигини ошириш, уни буғланишдан асраб тупроқ қатламларида узок вақт сақлаб туриш ҳамда ушбу усулларни қўллаган ҳолда суғормасдан боғдорчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш каби устувор йўналишлардаги тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жумладан, замонавий сув тежамкор агротехнологияларни амалиётга жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ер ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, қишлоқ хўжалигида тупроқлари унумдор, аммо сув таъминотига эга бўлмаган адир ҳудудларида атмосфера ёғинлари ҳисобига тупроқда тўпланадиган намликдан унумли фойдаланиш, адирларнинг табиий ландшафтини сақлаб қолиш, сувни кам талаб этувчи боғдорчилик соҳасини ривожлантириш масалалари муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹https://unhabitat.org/sites/default/files/2020/08/world_water_development_report_2020_water_and_climate_change.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғорма деҳқончиликда мульчалаш ва террасалаш каби сувтежамкор агротехнологиялардан фойдаланиш ҳамда уларнинг тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб туришига, тупроқ унумдор қатламини эрозиядан сақлашига, тупроқнинг биологик фаоллигини оширишига, тупроқ ҳарорати тафовутларини камайтиришига ва ўсимликларнинг тупроқ озуқа элементларини самарали ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятлари бир қанча хорижлик олимларнинг ишларида тадқиқ этилган. Хусусан, Н.Банасевич, М.Макаревский, А.Балашов, Н.Захаров, Д.Циприс, В.Ревут, И.Козулина, В.Попова, Н.Вишнякова каби рус олимлари, шунингдек, А.Ј.Коoper, S.Menezes, D.Chung, T.Aliudin, K.Dilip, M.Ingman, M.Orzolek, M.Rashid, O.Rehman, S.Alvi, R.Kausar, M.Akram, V.Pandiyaraju, P.Perumal, A.Kannan, L.Ramesh каби хорижлик олимларнинг тадқиқотлари мазкур масалаларга бағишланган.

Ўзбекистонда плёнка билан мульчалаш бўйича тажрибалар Л.Бабушкин, И.Рабинович, Р.Абдурахимов, И.Турапов, Н.Басаргина, В.Зуев, Н.Лукин, Г.Безбородов, Ш.Холиқулов, М.Тошматов, С.Баҳромов, Ф.Хасанова, А.Шамсиев, Р.Қурвонтоев, С.Рахмонқулов, О.Ёқубжонов, Г.Диёров, Н.Ибрагимов, Л.Мирзаев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Ҳозирги кунда мульчалашга доир тадқиқотлар А.Шамсиев, К.Розметов, Ш.Ахмурзаев, С.Абдурахманов, Х.Ўрмонова, С.Исаев, Х.Азимова каби олимлар томонидан давом эттирилмоқда.

Бироқ, юқорида таъкидлаб ўтилган олимларнинг тадқиқот ишларида асосий эътибор мульчалашнинг сув сарфини камайтириш, тупроқ хароратини нормаллаштириш, эрта ҳосил етиштириш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, минерал ўғит сарфини ва тупроққа ишлов бериш сонини камайтириш каби жараёнларга таъсирини ўрганишга қаратилган. Бундан ташқари, мульчалаш агротехнологияси суғориш билан биргаликда олиб борилган бўлиб, табиий намликдан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилмаган. Террасалашга доир тадқиқот ишлари эса асосан ёғингарчилик билан яхши таъминланган тоғли ҳудудларда олиб борилган. Ёғин кам тушадиган тоғ олди адир ҳудудларида террасалаш билан мульчалаш агротехнологияларини биргаликда қўллаш орқали суғормасдан боғ ташкил этиш масаласи деярли тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқот иши айнан шу жиҳатлари билан илгари бажарилган тадқиқотлардан ажралиб туради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИТД-7-29 «Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан

фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув тақчил бўлган адир ҳудудларида суғормасдан боғ ташкил этишнинг илмий асосларини яратиш ва амалга ошириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атмосфера ёғинларини мевали кўчатлар атрофида самарали тўплаб, тупроқ намлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;

атмосфера ёғинлари ҳисобига тупроқда тўпланадиган табиий нам жамғармасини ўсимликлар вегетацияси давомида сақлаб туриш имкониятларини тадқиқ этиш;

ўсимликлар вегетацияси даврида тупроқ намлигини ўлчаш ва унинг ўзгаришини таҳлил қилиш;

курғоқчил шароитда адир минтақасида суғормасдан боғ ва узумзорлар ташкил этиш бўйича тажрибалар ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адир ҳудудлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адир ҳудудларида тупроқ қатламларида тўпланадиган табиий нам захирасидан деҳқончиликда фойдаланиш хусусиятларини аниқлаш ва суғормасдан боғ ташкил этиш агротехнологиясини ишлаб чиқиш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида дала вегетацион кузатиш, ҳудудий таҳлил, математик статистика, географик умумлаштириш ва таққослаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

террасалаш ва мульчалаш агротехнологияларини биргаликда қўллаш асосида суғормасдан боғ ташкил этиш усули яратилган;

террасалаш ва мульчалашни биргаликда қўлланганда табиий тупроқ намлигини вегетация даврида ўсимликлар сўлиш намлигидан юқори ҳолатда сақланиши аниқланган;

баҳор фаслида органик, ёз фаслида эса пластик мульчалашдан навбати билан фойдаланиш тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб туришда юқори самарали эканлиги аниқланган;

ёнбағирликка тушган ёғин сувларини мевали дарахтлар атрофида самарали тўплаш имкониятини берувчи террасалаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адирларда сувни кам талаб қилувчи экинлар — боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш суғорма деҳқончиликда сув тақчилиги, шунингдек, суғорма деҳқончилик сабаб юзага келаётган геоэкологик муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири эканлиги асосланган;

атмосфера ёғинларини тўплаш орқали тупроқ намлигини ошириш ва уни буғланишдан асраб, вегетация давомида ўсимликлар сўлиш намлигидан юқори ҳолатда сақланиб туриши аниқланган;

суғормасдан боғ ташкил этишнинг экспериментал тасдиқланган янги усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари ҳамда диссертацияда муаллифнинг дала шароитида олиб борган кузатув материаллари ва экспериментал тажрибаларининг натижаларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган сувтежамкор агротехнологиялар, уларни қўллаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сув ресурсларини тежаш ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида йиллик ёғин миқдори 200-300 мм бўлган адир ҳудудларида атмосфера ёғинларини тўплаш орқали тупроқнинг табиий намлигини ошириш ҳамда уни самарасиз буғланишдан асраб, тупроқ қатламларида узок вақт сақлаб туриш ҳисобига суғормасдан боғ ташкил этишнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан ҳамда ишлаб чиқилган сувтежамкор агротехнологиядан сув тақчил бўлган адир ҳудудларида боғдорчиликни ривожлантиришга ҳамда қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишга қаратилган чоратadbирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида суғормасдан боғ ва токзорлар ташкил этиш имкониятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

террасалаш ва мульчалош агротехнологияларини биргаликда қўллаш асосида яратилган суғормасдан боғ ташкил этиш усули «Уйчи соҳибкор бўстони» агрофирмасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02/029-3882-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу усул ёрдамида 0,4 гектар майдонда 13 турдаги мевали дарахтлардан иборат суғорилмайдиган боғ ташкил этилиб, йилига 1200 м³ сув ресурсларини тежаб қолиш имконини берган;

табиий тупроқ намлигини вегетация даврида ўсимликлар сўлиш намлигидан юқори ҳолатда сақлайдиган террасалаш ва мульчалашни биргаликда қўллаш усули «Уйчи соҳибкор бўстони» агрофирмасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02/029-3882-сон маълумотномаси). Натижада, 0,3 гектар майдондаги мевали кўчатзордан йиллик суғориш нормасига нисбатан 50 % кам сув сарфлаб, жами 15000 туп олма, шафтоли ва олхўри кўчатлари етиштириш имконини берган;

баҳор фаслида органик, ёз фаслида эса пластик мульчалашдан навбати билан фойдаланиш усули «Уйчи соҳибкор бўстони» агрофирмасида

амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02/029-3882-сон маълумотномаси). Натижада, 0,2 гектар майдондаги 3 ёшли 60 туп шафтоли мевали дарахтидан суғормасдан 180 кг ҳосил олиш имконияти яратилган;

ёнбағирликка тушган ёгин сувларини мевали дарахтлар атрофида самарали тўпланишига ёрдам берувчи такомиллаштирилган террасалаш усули «Уйчи соҳибкор бўстони» агрофирмасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 02/029-3882-сон маълумотномаси). Натижада, мевали кўчатлар атрофига қазилган ариқчаларда табиий шароитга нисбатан икки баробар кўпроқ нам тўплаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адир минтақасининг табиий-географик хусусиятлари ва ҳудудда олиб борилаётган суғорма деҳқончиликнинг геоэкологик оқибатлари**» деб номланган биринчи бобида Наманган вилояти адир ҳудудларининг ўзига хос табиий-географик хусусиятларига атрофлича таъриф берилган. Шунингдек, адир ҳудудларида олиб борилаётган суғорма деҳқончиликнинг бугунги ҳолати ва шу сабаб юзага келаётган бир қатор геоэкологик муаммолар Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирлари мисолида ёритиб берилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон адирларининг катта майдонларида суғорма деҳқончилик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Наманган вилоятидаги жами суғориладиган ерларнинг 70% и айнан адир минтақасига тўғри келади. Адирларнинг ўзига хос табиий-географик хусусиятларини қишлоқ хўжалиги

нуқтаи назаридан ўрганиш натижалари ҳудудни суғорма деҳқончиликка жалб этиш кўплаб геоэкологик муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши аниқланган. Аммо, шунга қарамасдан адирлар кенг миқёсда ўзлаштирилди. Натижада суғорма деҳқончиликнинг тупроқ шўрланиши, ирригацион эрозия, тупроқларнинг зичлашиб бориши, адир тупроқлари ва сувларининг агрокимёвий воситалар билан ифлосланиши, тупроқ ҳосилдорлигининг кескин камайиши каби оқибатлари катта майдонларда кузатилмоқда.

Адирларнинг асосий қисми қиялик даражаси 3-5° ни ташкил этувчи нишаб қирликлардан иборат эканлиги, тупроқлари эса сув ўтказувчан жинслардан таркиб топганлиги боис, мазкур ҳудуд ирригацион эрозияга берилувчан ҳисобланади. Шу сабабли суғорма деҳқончилик Наманган вилоятидаги жами суғориладиган адир ҳудудларининг 60-65% ида тупроқнинг турли даражадаги эрозиясига олиб келди.

Адирларда кенг тарқалган бўз тупроқларнинг 100-180 см чуқурлигида сувда осон эрийдиган тузлар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг концентрацияси 0,3-0,5% дан 1,0-1,4% гача боради. Суғоришга сарфланаётган сувнинг кўп қисми мана шу тузларни эритиб, қуйи минтақаларга сизиб кетишига ва у ерда ер ости сув сатҳининг кўтарилишига, охир оқибатда эса иккиламчи шўрланишнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлаётган суғорма деҳқончиликнинг зарарли оқибатларидан яна бири адир тупроқларининг зичлашиб бораётганлиги ҳисобланади. Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида 2013 йил март ойида ўтказилган тажриба натижаларига кўра суғорма деҳқончилик экин майдонларида тупроқларнинг бир метр чуқурликдаги зичлиги ўртача 1,53 г/см³ га ортган.

Диссертациянинг **“Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида олиб борилган метеорологик кузатиш натижаларининг статистик таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида суғормасдан боғ ва токзорлар ташкил этиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилган адирларнинг иқлими ва уни мевали дарахтларга таъсири ўрганилган.

Тажриба синов ишлари олиб борилган 2013-2019 йиллар оралиғидаги адир ҳудудининг иқлимни ёритиш Наманган метеостанцияси ва Косонсой ҳамда тажриба майдонида энг яқин жойлашган Учқўрғон агрометеорология постларининг маълумотлари асосида бажарилди. Бу борада тажриба майдонида тупроқ намлигини ўлчаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Қурғоқчил ҳудудларда ўсимликларнинг ривожланиши учун энг муҳим омил тупроқ намлигидир. Шу боис, Наманган метеостанциясининг 2013-2019 йиллар март-сентябрь ойларида ўсимликларнинг фаол вегетация давридаги тупроқ намлиги бўйича маълумотлари ўрганилди ва улар тажриба майдонида олиб борилган тупроқ намлигини ўлчаш натижалари билан солиштирилди.

Таъкидлаш жоизки, Наманган метеостанциясида тупроқ намлигини ўлчаш ишлари суғориладиган дала майдонида олиб борилади. Қиш ойлари ҳамда март ва апрель ойининг бошидаги ўлчовлар ҳали суғориш ишлари бошланмаган пайт бажарилиб, улар табиий тўпланган намликни кўрсатади. Кейинги ўлчов натижалари эса дала майдонидаги экинларни суғориш даврига тўғри келганлиги боис суғоришнинг таъсирида юзага келади.

Илк тажриба ишлари бошланган 2013 йилнинг март ойида тажриба майдонидаги тупроқнинг бир метр чуқурликкача бўлган қисмида тўпланган табиий намлик 15 март кундаги ўлчов бўйича ҳайдалган ерда 162 мм, ҳайдалмаган ерда 137 мм бўлган. Айнан шу йилнинг 18 март куни Наманган метеостанциясининг тажриба майдонида бир метр қалинликдаги тупроқ қатламида 193 мм намлик тўпланган. Шу метеостанция маълумотлари бўйича 2010-2019 йилларда ўртача 200,2 мм ёғин кузатилган. Тажриба олиб борилаётган майдонга энг яқин бўлган Учқўрғон агрометеорология постида бу миқдор 302,6 мм га тенг бўлган. Шу асосда тажриба майдонидаги ёғин миқдори Наманган метеостанциясидаги қийматга нисбатан 50-60 мм кўп бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Аммо, тупроқда ўртача 31-56 мм кам нам тўпланган. Буни нишабликнинг юқорилиги натижасида ёғинларнинг 60-70% и тупроққа сингиб улгурмасдан оқиб чиқиб кетиши билан изохлаш мумкин.

2018 йилнинг март, апрель ва май ойларида тажриба майдонида тупроқ намлигини ўлчаш ишлари икки вариантда: 1) тажриба технологияси бўйича атмосфера ёғинларини тўплаш мақсадида кўчатлар атрофига қазилган ариқчалар остидаги тупроқнинг, ва 2) табиий шароитдаги тупроқнинг бир метр қалинликдаги қатламида тўпланган намлик захиралари ўлчанди. Ўлчов натижаларига кўра, ёғин тўплаш ишлари бажарилган биринчи вариантдаги тупроқ қатламида 15 мартда 295 мм ва 15 апрелда 290 мм намлик тўпланган. Айни шу саналардаги тажриба майдонининг табиий шароитдаги қисмида аниқланган намлик мос равишда 146 ва 152 мм ни ташкил этган бўлса, Наманган метеостанциясида 200 ва 206 мм га тенг бўлган. Демак, тажриба майдонида тадқиқот технологияси бўйича бажарилган террасалаш ва ёғин тўплаш ишлари Наманган метеостанциясининг текисликдаги дала майдонида тўпланган табиий намлик кўрсаткичларидан қарийб 100 мм кўпроқ намликни тўплаб қолишга имкон берган.

Тупроқ намлигини аниқлаш бўйича тажриба майдонида олиб борилган 2019 йилги ўлчов ишлари май-сентябрь ойларида уч вариантда: 1) террасаланган ва органик ҳамда пластик мульчаланган, 2) террасаланган ва органик мульчаланган, ва 3) табиий шароитда ўтказилди. Олинган натижалар Наманган метеостанциясининг суғориш ишлари бажарилган май-сентябрь ойларида аниқланган тупроқ намлиги кўрсаткичлари билан солиштирилди. Унга кўра, атмосфера ёғинларини тўплаш ва йиғилган тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб қолишга асосланган террасалаш ҳамда органик ва пластик мульчалаш агротехнологияси ёрдамида суғорилган майдонлар намлигига деярли тенг бўлган намликни ўсимликлар вегетациясининг якунига қадар сақлаб қолиш мумкин.

М.Умаровнинг Қарши чўлидаги суғориладиган оч тусли бўз тупроқларда ўтказган тажриба натижаларига кўра тупроқдаги нам 0-30 см да тупроқ қуруқ массасининг 8,6% ига, 30-95 см да 10,2% ига тенг ҳолатга тушгунча ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши мумкин. Аммо, бу миқдорлар ўсимликларнинг сўлиш намлиги чегараси бўлиб, намлик ушбу кўрсаткичга етганда ва ундан камайганда экинларнинг сўлиш жараёни бошланади. Агарда тупроқнинг намлиги шу ҳолатда узоқ вақт сақланиб турса ва суғорилмаса экинлар қуриб қолиши мумкин. 1-жадвалда ўсимликларнинг сўлиш намлиги билан 2019 йилда тажриба майдонида ва Наманган метеостанциясининг суғорилган майдонда ўлчанган тупроқ намлиги маълумотлари солиштирилди. Унга кўра, террасаланган ва органик ҳамда пластик мульчаланган вариантдаги тупроқнинг 0-30 см қатламида март-сентябрь ойларида аниқланган намлик миқдори ўсимликлар сўлиш намлигидан ортик бўлди. 30-90 см қатламдаги нам фақатгина сентябрь ойида ўсимликлар сўлиш намлиги чегарасидан бир оз камайган. Террасаланган ва органик мульчаланган майдонда эса 0-30 см қатламдаги намлик май ойида ўсимликлар сўлиш намлигидан бироз (7,7%) камайган. Аммо, кейинги ойларда яна бир оз ортиб, сентябрь ойида яна камайиш кузатилган (7,8%). Тупроқнинг 30-90 см қатламидаги намлик июнь ойидан бошлаб ўсимликларнинг сўлиш намлигидан камайган. Жумладан, июнь ойида 10,0% га, июль ойида 9,6% га, август ойида 8,7% га, сентябрь ойида 8,5% га тенг бўлди.

Ушбу ҳолат бўйича қайд этиш жоизки, аниқланган намликнинг мазкур миқдорларида террасаланган ҳамда органик ва пластик мульчаланган тажриба кўчатларининг қуриб қолиши ёш кўчатларда жуда кам кузатилди, ёши катта кўчатларда эса умуман кузатилмади. Бундан бироз фарқли ўлароқ, террасаланган ва органик мульчаланган тажриба кўчатларида ёз ойларининг ўрталарига келибоқ кундузги иссиқ пайтларда ёш мевали кўчатларнинг барглари тургорлигини йўқотиб, баргларнинг сўлиш ҳолатлари кузатила бошланди. Ушбу жараён узоқ вақт ва кўп марта такрорланганлиги боис кўчатларнинг кўпчилиги қуриб қолди. Аммо, ёши катта мевали кўчатлар қуриб қолмади.

Демак, ўсимлик ўзлаштирилиши мумкин бўлган тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб қолиб, кўзланган мақсадга эришишда террасалаш ҳамда органик ва пластик мульчалаш агротехнологияси террасалаш ва органик мульчалашга нисбатан самаралироқдир. Шу маълумотлар асосида суғормасдан боғ яратиш бўйича 2013 йилдан буён бажариб келинаётган тажрибалар вақтида олинган ижобий натижаларни илмий асослаш мумкин.

Ўсимликларнинг сўлиш намлиги билан (М.Умаровнинг маълумоти бўйича) 2019 йилда ўлчанган тажриба майдонидagi ва Наманган метеостанциясидаги туپроқ намлиги маълумотларини солиштириш

Ўлчов саналари	Суғориладиган оч тусли бўз туپроқларда ўсимликларнинг сўлиш намлиги, %		Ўлчов вариантлари						Суғорилган майдон, %	
	0-30 см	30-90 см	Террасаланган ҳамда органик ва пластик мўльчаланган, %		Террасаланган ва органик мўльчаланган, %		Мўльчаланмаган табiiй шароитли майдон, %		0-30 см	30-90 см
			0-30 см	30-90 см	0-30 см	30-90 см	0-30 см	30-90 см		
Март					15,2	15,3	11,3	9,03	13,7	16,3
Апрель					15,3	15,4	9,8	9,6	18,3	19,6
Май			12,7	12,03	7,7	13,1	6,1	7,3	18,5	19,5
Июнь	8,6	10,2	9,5	11,7	9,5	10,0	8,6	7,8	16,3	17,3
Июль			11,8	11,2	10,5	9,6	9,6	8,6	12,3	15,7
Август			11,3	10,4	9,4	8,7	7,0	8,2	13,4	16,9
Сентябр			9,5	9,6	7,8	8,5	5,8	7,9	12,9	16,6

Изох: жадвал тажриба натижалари ва Наманган вилоят гидрометеорология бошкармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Диссертациянинг “Адирларда суғормасдан боғ ва токзорлар ташкил этиш имкониятлари” деб номланган учинчи бобида Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адир ҳудудларида олиб борилган тажрибаларнинг 2013-2019 йиллардаги олинган натижалари батафсил ёритилган. Шунингдек, адир минтақасида суғормасдан боғ ва токзорлар ташкил этиш бўйича яратилган агротехнология ва уни кенг миқёсда жорий этиш орқали эришиш мумкин бўлган иқтисодий самарадорлик имкониятлари кўриб чиқилган.

Гидрологик кузатиш натижалари Наманган вилояти шимолидаги дарёлар сувининг иқлим исиши давридаги ҳажми олдинги ўттиз йиллик даврга нисбатан 13-18% га кам бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, баъзи сценарийлар бўйича 2030-2080 йилларда ушбу ҳудуддаги Подшоотасой суви 20-30% гача, Чодаксой ва Ғовасойларнинг суви эса 40-50% гача камайиши мумкинлиги кутилмоқда. Бу ҳолат йирик дарёларга ҳам тааллуқли бўлиб, Сирдарёнинг сув ресурсларидаги ўзгаришлар меъёр атрофидаги тебранишлардан 28% гача камайиши мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда сув танқислиги муаммоси кескин тус олмасдан аввал суғорма деҳқончиликни тубдан модернизация қилишни ва соҳага сувтежамкор агротехнологияларни кенг миқёсда тадбиқ этишни талаб қилади. Бу борада табиий намни тўплаш ва уни узоқ вақт сақлашга асосланган агротехник тадбирларни қўллаган ҳолда адир минтақасида суғормасдан боғ ва токзорлар ташкил этиш имкониятларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Боғдорчилик соҳасида олиб борилган узоқ йиллик тажриба-кузатув натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг денгиз сатҳидан (д.с.) 1000-1300 м дан баланд бўлган, шунингдек, йилига 600-700 мм ва ундан кўп ёғин қайд этиладиган тоғолди адир ҳамда тоғли минтақаларда лалми мевачиликни ривожлантириш мумкин эканлиги аниқланган. Адирларнинг ёғин камроқ тушадиган (200-300 мм) куйроқ минтақаларида (д.с. 500-1000 м) эса лалми боғдорчиликни ривожлантириш имконияти паст. Аммо, ушбу адир ҳудудларининг куёш нури камроқ тушиб, намлик узоқ вақт сақланиб турадиган ёнбағирларида, адир оралиғи ботиқларида, суффозион ўралар ва эрозияланган жарлар ичида ёввойи ҳолда ўсиб, яхшигина ҳосил бераётган ёввойи аччиқ бодом, ёнғоқ, жийда, тоғолча каби мевали дарахтларнинг мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, табиий намни тўплаш ва уни узоқ вақт сақлашга асосланган агротехник тадбирларни қўллаган ҳолда, бир неча тур мевали дарахтлардан лалми боғ ташкил этиш имкониятлари тадқиқ этилди.

Суғормасдан боғ яратиш бўйича дастлабки тажриба ишлари 2013 йилда, Наманган вилоятининг шимоли-шарқий адирларида, Уйчи туманининг шимолий қисмида жойлашган “Уйчи соҳибкор бўстони” агрофирмасининг 500 м² майдонида ташкил этилди. 2014 йилда ушбу тажриба майдонининг ёнида, яна 500 м² майдонда янги тажриба боғи яратилди. Айнан ушбу ҳудудда, 2017 йилда ҳам аввалгиларига нисбатан каттароқ – 3000 м² майдонда янги тажриба майдони ташкил этилиб, тадқиқот ишлари давом эттирилди.

2013 йилда бошланган дастлабки тажриба технологиясига биноан ажратиб олинган ер майдонига март ойида турли мева кўчатлари ўтказилди. Кўчатлар экилган куниёқ, ҳар бир кўчат атрофини 80-100 см радиусда тупроқдаги намликнинг буғланишига йўл қўймаслик учун доира шаклида целлофан билан қоплаб чиқилди. Қопланган целлофан устини тупроқ ҳарорати ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида 3-5 см қалинликда тупроқ билан кўмиб қўйилди ҳамда қопланган целлофан чегараси бўйлаб, ёққан ёғинни тўплаш ва тупроқ намлигини ошириш учун айлана шаклда 30 см чуқурликда ариқча қовлаб чиқилди. Шу тарзда тажриба майдонига 10 туп ўрик, 5 туп олма ва 1 туп шафтоли кўчатлари экилди ва улар устидан фенологик кузатишлар олиб борилди. Ёз ойларининг қурғоқчил ва иссиқ кунлари ўтгандан сўнг, куз ойининг дастлабки кунларида (сентябрь ойининг бошида) кўчатлар атрофини мульчалаш мақсадида фойдаланилган целлофанлар йиғиштириб олинди. Шундан сўнг кўчатларнинг 1 метр радиусдаги ён атрофлари юмшатилади. Бу куз-қиш ойларида ёққан атмосфера ёғинларини юмшатилмаган тупроққа нисбатан тупроққа осон сингиши ва кўпроқ нам тўплаш имконини берди. Тадқиқот натижаларига кўра вегетация охирида парвариш қилинган 10 туп ўрик, 5 туп олма ва 1 туп шафтоли кўчатларининг суғорилган мевали дарахтлардан биргина фарқи, хазонрезгилик даврининг 15-20 кун эртaroқ бошланганлигида бўлди. Қолган барча вегетация жараёнлари худди суғорилган кўчатлар сингари ўтди. Тажрибадаги 1 туп олма кўчати қуриб қолди, қолган кўчатларнинг ўсиши суғорилган кўчатларникидан анча паст бўлди. Шунга қарамай 10 туп ўрик, 4 туп олма ва 1 туп шафтоли кўчатларининг қуриб қолмай ўз вегетация даврини якунлагани ушбу усул ёрдамида суғормасдан боғ яратиш мумкин, деган хулосани берди.

2014 йилда ҳам дастлабки тажриба майдонининг ёнида ва айнан шу технология асосида янги тажриба ишлари давом эттирилди. Ушбу тажриба майдонига 5 тупдан ўрик, олча, олхўри ва беҳи кўчатлари, 15 туп олма ҳамда 10 туп шафтоли кўчатлари, жами 45 туп мева кўчатлари ўтказилди. 2014 йилги тажриба якунида 2013 йилда экилган тажрибадаги барча кўчатлар ўз вегетация даврини ўтади. 2014 йилда янги ўтказилган кўчатлардан эса 2 тупдан ўрик, олча ва олхўри кўчатлари қуриб қолди. Қолган барча кўчатлар эса ўз вегетация даврини якунлади.

2015 йилнинг 31 март куни Наманган вилоятига совуқ ҳаво оқими кириб келиб, “қора совуқ” ҳодисасини юзага келтирди. Ҳароратнинг -10°C дан ҳам пастлаб кетиши оқибатида вегетация даврини бошлаган барча қишлоқ хўжалиги экинлари қатори тажрибадаги кўчатларга ҳам жиддий зиён етди. Чунончи, 2013 йилда экилган тажрибадаги 4 туп олма, 1 тупдан шафтоли ва ўрик кўчатлари, 2014 йилда экилган тажрибадаги кўчатлардан эса 1 туп олча ҳамда 2 туп шафтоли кўчатлари қуриб қолди.

Тажриба технологиясининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2015 йилнинг куз фаслида экилган кўчатларнинг 1 метр радиусдаги мульчаланадиган қисми террасалаб чиқилди. Ушбу террасаланган юзанинг юқори қисмидаги ёнбағирлик силлиқланди ва бир оз зичлаштирилди.

2016 йилнинг эрта баҳор ойида шу юзаларга бўйи 1-1,5 м, эни 1,5-2 м бўлган плёнкалар ётқизиб чиқилди. Бу, ёнбағирликка ёққан ёғиннинг тупроққа шимилишига йўл қўймасдан, террасаларга оқиб тушишига ва нам кўпроқ тўпланишига имкон берди (1-расм).



1-расм. Ёнбағирни террасалаш, ёғин тўловчи юза ҳосил қилиш, шу юзага плёнка ётқизиш ҳамда кўчат атрофига ариқча қазиб, унга чиринди гўнг солиш.

2017 йилда тажриба технологияси бўйича ишлар 2016 йилги тартиб бўйича ташкил этилди. Мульчалош билан бирга террасалаш агротехнологиясини қўллаш натижасида 2016-2017 йиллар давомида тажриба кўчатларининг ўсиши, ривожланиши ва мева туғиб, ҳосил бериш жараёнлари жиддий тарзда яхшиланди.

2017 йилнинг куз фаслида, аввалдан бажариб келинаётган тажриба майдони ёнида 0,3 га майдонда янги тажриба боғи ташкил этилди. Ушбу боққа 10 тупдан ўрик, узум, хурмо, гилос, 15 тупдан бодом, беҳи, олхўри, 20 туп олма ва 80 туп шафтоли, жами 155 туп мевали кўчатлар экилди. Мевали кўчатларнинг илдизи атрофидаги тупроқ унумдорлигини ошириш, ёғингарчилик натижасида тупроқ юзасидан шимилиб, қўйига ҳаракатланаётган намликни ер остига сизиб кетишдан сақлаб қолиш мақсадида кўчат экиш учун қазилган чуқурчаларнинг энг таг қисмига 3-5 см қалинликда ўсимлик барг-хазонлари, унинг устидан 3-5 см қалинликда чиринди гўнг солиниб, сўнг кўчат экилди. Аммо, бу усул ўзини оқламади. Бунинг сабаби, биринчидан, чиринди гўнг ва барг-хазоннинг чириш

жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик кўчатларнинг ёш илдиз тизимига салбий таъсир кўрсатди. Иккинчидан, чириш натижасида гўнг ва хазонлар эгаллаб турган ҳажм камайиб, ҳосил бўлган бўшлиқда кўп ҳаво тўпланиб қолди. Натижада ёш кўчатларнинг кўпчилиги қуриб қолди.

2018 йилнинг эрта баҳор ойидан бошлаб, тажрибадаги барча агротехнологик тадбирлар 2016-2017 йилдаги каби бажарилди.

2019 йилда тажриба технологиясига яна бир жиддий ўзгартириш киритилди ва иккита вариантда мульчалаш ишлари олиб борилди.

Биринчи вариантда, ўсимликларнинг вегетация даври давомида мульчалашнинг икки турини, яъни органик ва пластик мульчалашни маълум муддатларда кетма-кет қўллаш амалга оширилди. Дастлаб, қиш фаслининг охириги ойларида террасаланган ва чопилган юзаларга 3-5 см қалинликда чиринди гўнг солиб, унинг устидан эса эрта баҳор ойларида (март) бошлаб, 3-5 см қалинликда ўсимлик барг-хазонларидан тўшаб, органик мульчалаш ишлари бажарилди. Май ойининг ўрталаридан бошлаб эса органик мульча устидан навбатдаги, плёнка билан пластик мульчалаш ишлари бажарилди. Ушбу усулда органик мульчалаш қуёш нурини тўғридан-тўғри тупроққа тушишидан, шамол таъсиридан асраб, қиш давомида тупроқда тўпланган намликни узоқ вақт сақланиб туришига, тупроқ унумдорлигининг ортишига олиб келди. Шу билан бирга, баҳор фаслидаги ёмғир сувларини ҳам тупроққа енгил сингишини таъминлаб, тупроқ табиий намлигининг ортишига шароит яратди. Баҳорги ёғингарчилик даври тугагандан сўнг амалга оширилган пластик мульчалаш эса ёз ойлари давомида органик мульчалашга нисбатан тупроқ намлигини самаралироқ сақлаб қолди.

Иккинчи вариантда эса, террасаланган ва чопилган юзаларни биринчи вариантдаги каби чиринди гўнг ва ўсимлик барг-хазонлари ёрдамида органик мульчалаш билан чекланилди. Бу вариантда, органик мульчалаш баҳорги ёғиннинг тупроққа сингиши учун шароит яратган бўлсада, ёзги иссиқ даврда тупроқ намлигини плёнка каби самарали сақлаб тура олмаслиги аниқланди. Шу сабабли, ушбу тажриба варианты қўлланилган ёш кўчатларнинг айримлари қуриб қолди.

2013 йилдан буён адир минтақасида суғормасдан боғ барпо этишга қаратилган тажриба натижаларига кўра, мевали кўчатлар суғорилмаса ҳам вегетация даврини суғорилган кўчатлардаги каби ўтказди. Аммо, тажриба кўчатларининг умуман суғорилмаслиги боис ҳосил миқдори суғорилган мевали кўчатларга нисбатан ўрта ҳисобда 50 % га паст бўлганлиги кузатилди. Шунга қарамай, тажрибадаги мевали дарахтлардан олинган ҳосил суғорилганларига нисбатан жуда кам миқдордаги сарф-харажатлар эвазига етиштирилганлиги, шунингдек, тажрибадаги ўрик, шафтоли ҳамда олма меваларининг таъми суғорилганларига нисбатан бир мунча ширин эканлиги, органик усулда етиштирилганлиги, нархининг бироз баландлиги боис олинадиган соф даромад юқорироқ бўлишини таъминлади.

2013-2014 йилларда бошланган тажрибадаги бир қатор мевали дарахтларнинг кейинги йилларда етиштирилган ҳосили ва ундан олинган даромад миқдори бўйича натижаларга асосланиб адир минтақасининг сув

танқис майдонларида суғормасдан боғ ташкил этиш мумкин (2-жадвал). Жумладан, Наманган вилояти адирларидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 2,8 минг гектар бўз ерларнинг ҳамда 143,0 минг гектар яйловларнинг маълум қисмида суғормасдан боғ ташкил этиш агротехнологиясидан фойдаланиб, лалми боғдорчиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

2-жадвал

2013-2014 йилларда экилган тажрибадаги мевали дарахтларнинг кейинги йилларда етиштирилган ҳосил миқдори ва ундан олинган даромад

Мевали кўчатлар	Экилган йили	Ҳосил олинган йил	Жами кўчатлар, млн	Бир тупдаги энг кўп, энг кам ва ўртача ҳосил, кг	Жами ҳосил, кг	Жами даромад, сўм	Жами харажат, сўм	Соф фойда, сўм	Бир гектар ҳисобига соф фойда, сўм
Ўрик	2013	2016	9	2/0,3/0,4	3,6	25 000	20 000	5000	0,2 млн
		2017	9	5/0,5/1,3	11,7	50 000	25 000	25 000	1,1 млн
		2018	9	15/1/6	54	250 000	35 000	215 000	9,5 млн
		2019	9	20/2/10	90	500 000	50 000	450 000	20 млн
Ўрик	2014	2018	3	15/6/8	24	120 000	9 000	111 000	14,8 млн
		2019	3	20/10/10	30	175 000	17 000	158 000	21 млн
Шафтоли		2018	8	6/1/3	24	120 000	30 000	90 000	4,5 млн
		2019	8	7/2/4	32	160 000	40 000	120 000	6 млн
Олча		2018	2	2/0,5/0,8	1,6	10 000	7 000	3 000	0,6 млн
		2019	2	2/0,5/0,8	1,6	10 000	10 000	0	0
Беҳи		2018	4	2/0,5/1	4	32 000	14 000	18 000	1,8 млн
		2019	4	8/0,5/3	12	100 000	20 000	80 000	8 млн
Олхўри		2018	3	0,2/0,1/0,15	0,5	3000	10 000	-7 000	- 0,9 млн
		2019	3	0,5/0,2/0,3	1	6000	15 000	-11 000	- 1,4 млн
Олма	2018	15	7/0,5/3	50	150 000	50 000	100 000	2,6 млн	
	2019	15	10/0,5/4	60	200 000	80 000	120 000	3,2 млн	

Изоҳ: жадвал тажриба натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Адир минтақасида суғормасдан боғ ташкил этиш орқали экин майдонларига насослар ёрдамида кўтариб берилаётган сув ресурсларини ва унга сарфланаётган электр энергиясини тежаш, суғорма деҳқончилик натижасида юзага келаётган геозэкологик муаммоларни юмшатиш орқали мелиорация тадбирларига сарфланаётган пул маблағларини тежаш, тупроқлари унумдор, аммо сув таъминотига эга бўлмаган адир ерларини лалми боғ яратиш мақсадида ўзлаштириш орқали янги иш ўринларини яратиш, боғдорчиликни кенгайтириш орқали асаларичиликни ривожлантириш, аҳолини ўтинга бўлган эҳтиёжининг маълум қисмини қондириш имкониятлари кенгайди. Булар, адир минтақасида суғормасдан боғ ташкил этиш агротехнологиясини кенг миқёсда амалиётга жорий этиш натижасида эришиш мумкин бўлган иқтисодий самарадорлик ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. Пластик мульчалошдан фойдаланиб, суғормасдан боғ ташкил этишга қаратилган тажрибалар 1985 йилда Тошкент ва Душанбе шаҳарлари атрофидаги ўртача 500 мм ёғин ёғадиган лалми ерларда олиб борилган. Шу сабабли улар бошқа ҳудудларга тарқалмади. Ўртача йиллик ёғин миқдори 250-300 мм бўлган адирларда суғормасдан боғ ташкил этиш бўйича тажрибалар ҳозирга қадар ўтказилмаган.

2. Наманган вилоятининг шимоли-шарқий қисмидаги адир ҳудудларини ўрганиш натижасида адирларнинг нишаблигидан фойдаланиб ёмғир сувларини кўчат атрофида қазилган ариқчаларда тўплаш имкониятини берадиган террасалаш усули ишлаб чиқилди. Шу усулни қўллаш асосида қишки-баҳорги ёғинларни кўчатлар атрофида тўплаган ҳолда тупроқ намлигини сезиларли оширишга эришилди.

3. Ўсимликларнинг вегетация даврида террасаланган ҳамда органик ва пластик мульчаланган тупроқнинг 0-30 см қатламидаги намлиги март-сентябрь ойларида ўсимликлар сўлиш намлигидан юқори бўлди. 30-90 см қатламидаги намлик эса март-август ойларида ўсимликлар сўлиш намлигидан ортиқ бўлиб, фақатгина сентябрь ойида ўсимликлар сўлиш намлиги чегарасидан бир оз камайганлиги аниқланди. Ўз вегетациясини яқунлаб, хазонрезгилик жараёнини эртароқ – 15-20 кун олдин бошлаган тажриба кўчатларида қуриб қолиш ҳолатлари жуда кам кузатилиб, ўсиши ва ривожланиши суғорилган кўчатлардаги каби бўлди.

4. Наманган вилоятининг адир ҳудудларида сув етишмаслиги боис 2,8 минг гектар бўз ерлар, 143,0 минг гектар яйловлар ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган 107,0 минг гектар ер майдони деҳқончиликка жалб этилмаган. Таклиф этилаётган суғормасдан боғ ташкил этиш усулини қўллаш мазкур майдонларнинг катта қисмида боғдорчиликни ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни бажаришда муҳим ҳисобланади.

5. Республикамизнинг адир ҳудудларида суғорма деҳқончилик сув ресурсларини катта харажатлар эвазига насослар ёрдамида етказиб беришга асосланган. Жумладан, Наманган вилоятининг ўзида насосларнинг умумий сони 654 тани ташкил этиб, вилоятдаги жами суғориладиган ерларнинг деярли ярмига, яъни 82 966 га ерга сув кўтариб беради ва уларнинг аксарияти адирларда жойлашган бўлиб, ушбу насослар учун 2018 йилда 866 548 минг квт. соат электр энергияси сарфланган. Адирларни боғдорчиликка ихтисослаштириш ҳамда террасалаш ва мульчалош агротехнологиясига асосланган суғормасдан боғ ташкил этиш мазкур жараён билан боғлиқ бўлган харажатларни кескин камайтиришга олиб келади.

6. Террасалаш ва мульчалош агротехнологияларидан фойдаланиб, суғормасдан боғ ташкил этиш бўйича адир ҳудудларида олиб борилган тажриба натижаларига кўра ўрик, шафтоли, беҳи ва олма мевали дарахтларидан иборат боғлар ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши аниқланди.

7. Ўзбекистоннинг агроиқлимий шароитидан келиб чиқиб, органик ва пластик мульчалошни биргаликда, навбати билан қўллаш самарали эканлиги

аниқланди. Жумладан, ёғингарчилик кўпроқ бўладиган баҳор фаслида органик мульчалашдан, ёғин энг кам бўладиган ёз фаслида эса пластик мульчалашдан навбати билан фойдаланишнинг тупроқ намлигини узоқ вақт сақлаб туриш бўйича имконияти мульчалашнинг бошқа усуллариغا нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КОРИЕВ МИРЗОХИД РУСТАМЖОНОВИЧ

**ОЦЕНКА ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВЕДЕНИЯ САДОВ И
ВИНОГРАДНИКОВ НА АДЫРАХ СЕВЕРО-ВОСТОЧНОЙ ЧАСТИ
НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ БЕЗ ОРОШЕНИЯ**

11.00.04 – Метеорология. Климатология. Агрометеорология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире дефицит ресурсов пресной воды, обостряющийся в условиях глобального потепления, превратился в одну из проблем, на которую необходимо обратить основное внимание. В отчете Организации Объединенных наций (ООН) о мировом развитии воды в 2020 году, особо отмечено, что «...усовершенствование системы управления водой путем применения водосберегающих агротехнологий по сбору атмосферных осадков и мульчирования, включен в программу мер по адаптации к изменению климата»¹. С учетом этого обстоятельства, осуществление исследований, направленных на экономию водных ресурсов и эффективное использование атмосферных осадков является особо важным.

В мире уделяется повышенный приоритет исследованиям, связанным со сбережением водных ресурсов, особенно расширению площадей маловодопотребляющих культур, разработкам водосберегающих агротехнологий, повышению естественной влаги почв путем сбора атмосферных осадков и ее сохранения от испарения в течении длительного времени и применением этих способов развитию садоводства без орошения.

В нашей стране принимаются системные меры по рациональному использованию земельных и водных ресурсов, в том числе по внедрению современных водосберегающих агротехнологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах намечены задачи «... внедрения интенсивных методов, в первую очередь, современных ресурсосберегающих агротехнологий в сельскохозяйственное производство»². В этом отношении важное научное значение приобретают проблемы развития на адырных территориях с плодородной почвой, но не имеющих водообеспечения, развитие маловодопотребляющего садоводства за счет рационального использования влаги, накопленной в почве атмосферными осадками, сохраняя естественный ландшафт адыров.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4486 от 9 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами», №ПП-4499 от 25 октября 2019 года «О мерах по расширению механизмов стимулирования внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве» и в других нормативно-правовых актах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в

¹ https://unhabitat.org/sites/default/files/2020/08/world_water_development_report_2020_water_and_climate_change.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В работах ряда зарубежных ученых изучались применение в орошаемом земледелии водосберегающих агротехнологий, таких как мульчирование и террасирование, их влияние на долгосрочное удержание влаги в почве, защиту плодородного слоя почвы от эрозии, повышение биологической активности почвы, уменьшение перепадов температуры почвы и возможность положительного влияния на эффективное усвоение растениями питательных веществ из почвы. В частности, работы русских ученых, таких как Н.Банасевич, М.Макаревский, А.Балашов, Н.Захаров, Д.Циприс, В.Ревут, И.Козулина, В.Попова, Н.Вишнякова, а также исследования зарубежных ученых А.Ж.Коопер, S.Menezes, D.Chung, T.Aliudin, K.Dilip, M.Ingman, M.Orzolek, M.Rashid, O.Rehman, S.Alvi, R.Kausar, M.Akram, V.Pandiyaraju, P.Perumal, A.Kannan, L.Ramesh посвящены этим вопросам.

Эксперименты по пленочному мульчированию в Узбекистане проводились Л.Бабушкиным, И.Рабиновичем, Р.Абдурахимовым, И.Тураповым, Н.Басаргиной, В.Зуевым, Н.Лукиной, Г.Безбородовым, Ш.Халикуловым, М.Тошматовым, С.Бахромовым, Ф.Хасановой, А.Шамсиевым, Р.Курвонтоевым, С.Рахмонкуловым, О.Якубджановым, Г.Диёровым, Н.Ибрагимовым, Л.Мирзаевым и другими. В настоящее время такие ученые как А.Шамсиев, К.Розметов, Ш.Ахмурзаев, С.Абдурахманов, Х.Ормонова, С.Исаев, Х.Азимова продолжают проводить исследования по мульчированию.

Однако, в исследовательских работах вышеупомянутых ученых основное внимание уделяется изучению влияния мульчирования на такие процессы, как снижение расхода воды, нормализация температуры почвы, ранний сбор урожая, предотвращение эрозии почвы, сокращение расхода минеральных удобрений и уменьшение частоты обработки почвы. Кроме того, агротехника мульчирования проводилась одновременно с поливом, при этом не уделялось внимания вопросам эффективного использования естественной влаги. Исследования же по террасированию проводились в основном в горных районах с хорошо обеспеченными обильными дождями. Вопрос организации садоводства без полива за счет комбинированного использования террасных и мульчирующих агротехнологий в предгорных и адырных территориях не изучен. В этом аспекте данное исследование отличается от предыдущих выполненных исследований.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено согласно научно-исследовательского плана Наманганского государственного университета в рамках прикладного проекта №ИТД-7-29.—«Природные ресурсы

Наманганской области, их использование и пути устранения возникающих экологических проблем» (2012-2014 гг).

